O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI QORAKO‘L TUMAN HOKIMINING QARORI

Qorako‘l t., Ulug‘bek ko‘chasi 35-uy

2022 - yil 14 - dekabr 518-2-37-Q/22 Qorako'l tuman hokimligi

2023 йилда тумандаги корхона, ташкилот, муассаса, хусусий корхоналарда техникаларни ҳарбий ҳисобини юритиш ва техник соз холатини текшириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Мудофаа туғрисидаги” Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 2019 йил 15 март кунидаги 017-сонли қўлланмасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлар, фирмалар, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлари ва маъсулияти чекланган жамиятнинг рахбарларига:

-техникаларнинг ҳарбий ҳисобини юритилиши ва техник холатига қаттиқ эътибор қаратиш;

-техникаларни ҳарбий ҳисобини юритилиши ва уларни техник холатини сақлаш ишлари учун маъсул ходим тайинлаб, уларни мудофаа ишлари бўлими билан узлуксиз алоқада бўлишини, талаб этилган маълумот, хисоботларни тақдим этишни ва машғулотларга иштирок этилишини таъминлаш;

-эҳтиёт қисмлари, автомобил захира асбоб ускуналари ва ёқилғи қуйиш воситалари учун жавобгар шахслар иш фаолияти устидан доимий назорат қилиб бориш хамда техникаларни доимий жанговор шайлигини таъминлаш;

-техникаларга боғлиқ бўлган фуқароларни ишга қабул қилишда, уларни

керакли органлар маълумоти, хулқи, интизоми ва билимига алохида эътибор қаратиш;

-техник кўрикдан ўтказиш даврида туман худудидаги ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлар, фирмалар, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлари балансидаги техникаларни мудофаа ишлари бўлими хисобига мажбурий равишда тўлиқ ҳисобга олиш ишларини амалга ошириш топширилсин.

2. Транспорт воситаларини йиллик давлат техник кўрикдан ўтказиш ишларини сифатли ва хаққоний таъминлаш Қоракўл тумани ИИБ ЙХХГ катта инспектори (М.Рахимов) ҳамда Қоракўл тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи (З.Алибаев) зиммасига юклатилсин.

-йиллик техник кўрикдан ўтказиш жадвали тайинлансин.

-йиллик техник кўрикдан ўтказиш ишлари туман мудофаа ишлари бўлими билан биргаликда амалга оширилсин.

3. Қоракўл тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи З.Алибаевга:

-мудофаа ишлари бўлими резервистлар ва харбийга мажбурларни ҳисобга олиш бўлинмаси бошлиғи томонидан белгиланган режага асосан (1-илова) ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлар, фирмалар, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлари балансидаги техникаларни мудофаа ишлари бўлими ходими томонидан техникаларнинг техник холати текширилиб, натижаларни қайд этилган далолатномалар нусхасини туман хокимлигига тақдим қилиб бориш;

-мудофаа ишлари бўлимида техникаларни ҳарбий ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш ишларини қонун талаблари асосида олиб бориш топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Р.Мухторов ҳамда Қоракўл тумани мудофаа ишлари бўлим бошлиғи З.Алибаевлар зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **Х.Я.Тоҳиров**

Qorako'l tuman hokimining
2022 yil 14 dekabrdagi
518-2-37-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Қоракўл туманидаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлар, фирмалардаги техникаларни текшириш

ЖАДВАЛИ

Т/р	Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар номи	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Январь	Февраль	Март	Апрель
1	Қоракўл туман ҳокимлиги												
2	Туман тиббиёт бирлашмаси												
3	Туман давлат ўрмон хўжалиги												
4	Туман йўллардан фойдаланиш УК												
5	“POINT VISION” МЧЖ												
6	Ватанпарвар ташкилоти ўқув спорт техника кулуби Қоракўл филиали												
7	Қоракўлдон АЖ												
8	Қоракўл асака текстил МЧЖ												
9	Туман молия бўлими												

10	Қоракўл туман нефт база МЧЖ												
11	Умид лада МЧЖ												
12	Туман сув оқова МЧЖ												